

кишилари учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш йўли билан қўрқитиш ёки зўрлик ишлатиш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

1) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;

2) жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда;

3) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

1) уюшган жиноий гуруҳ томонидан содир этилган бўлса;

2) оғир оқибатларга олиб келса саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят қонунчилигида товламачилик ва шантаж жиноятларини бир-биридан фарқлаш ва чегарасини белгилаш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга ва бу турдаги жиноятларни олдини олишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ахтам Нусратиллоевич Якубов,

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат юридик университети,

PhD Тошкент, Ўзбекистон

Эл. манзил: akhtam.yakubov@gmail.com

Сўнги бир неча йиллар давомида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ва тартибга солиш жараёнларини такомиллаштиришга, қулай бизнес муҳитини ва халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий нуфузини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Охириги 5 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Doing Business – 2020” рейтингда Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146-ўриндан 76-ўринга кўтарилди. 2012-йилга таққослаганда Ўзбекистон 78 позицияга кўтарилди.

Бутунжаҳон савдо ташкилотининг 2019-йил якунларига доир эълон қилган ҳисоботида халқаро савдо харитасида ҳар йили дунёнинг 220 дан ортиқ мамлакатлари ҳудудида 5300 дан ортиқ маҳсулотлар савдоси амалга оширилади ва товарлар савдоси ҳар йили ўртача 5.5% га ошиб боради [1]. Ҳисоботда келтирилган маълумотлардан маълумки, дунё мамлакатлари учун ташқи савдо масалалари, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тартибга солиниши ва ушбу фаолият натижасида келиб чиқадиган низолар, уларни бартараф этиш масалалари мунтазам равишда такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Ўзбекистонда ҳам айнан ташқи савдо муносабатларининг катта қисмини олди-сотди шартномалари ташкил қилади. 2019 йил якуни билан Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 42,2 млрд. АҚШ долларига етди, у 2018 йилга нисбатан 8,7 млрд. АҚШ долларига ёки 26,2 фоизга ошди.

Давлат статистика қўмитаси хабарига кўра, ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди. Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 17,9 млрд. АҚШ долларига (ўсиш суръати – 28,0 фоиз) ва импорт ҳажми 24,3 млрд. АҚШ долларига (ўсиш суръати – 24,9 фоиз) етди. Ушбу даврда 6,4 млрд. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.

Ўзбекистон жаҳоннинг 193 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Ташқи савдо айланмасининг нисбатан салмоқли ҳиссаси Хитой Халқ Республикасида (18,1 фоиз), Россия Федерациясида (15,7 фоиз), Қозоғистонда (8,0 фоиз), Корея Республикасида (6,5 фоиз), Туркияда (6,0 фоиз), Германияда (2,3 фоиз) ва Қирғизистонда (2,0 фоиз) қайд этилган [2].

Жаҳонда халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш ва иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича давлатлараро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ташқи савдони оқилона ташкил қилиш, ушбу соҳага “ақлли тартибга солиш” моделларини жорий қилиш ва ташқи савдо шартномаларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишнинг самаралироқ механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда ташқи савдо ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқда ташқи савдо шартномаларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишнинг йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда.

Республикаimizда ташқи савдо муносабатлари, миллий тадбиркорларимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, бизнесни жадал ривожлантириш учун асос сифатида инвестиция ва ташқи савдо

фаолиятини самарали тартибга солишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, ташқи савдо муносабатларидаги давлатнинг аралашувини маълум даражада чеклаш, халқаро савдо ташкилотларининг ушбу соҳадаги аҳамиятини ошириш, ташқи савдо муносабатларини халқаро хусусий тартибга солувчи икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларни тузиш, халқаро конвенцияларни ратификация қилиш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат бошқарувининг амалдаги тизими инвестиция ва савдо масалаларини алоҳида тартибга солишга асосланган, бу эса мазкур соҳаларда ташкилий-ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, амалиётда, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган ортиқча бюрократик тартиб-таомиллар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда:

- барқарор ташқи савдо ўсишни таъминлаш мақсадида божхона-тариф сиёсатини халқаро талабларга мослаштириш, Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялаш, бошқа кўп томонлама савдо-иқтисодий тизимлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- экспорт қилувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, савдо, шу жумладан, ташқи савдо инфратузилмасини, электрон тижорат тизимини босқичма-босқич ривожлантириш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

- ташқи савдо муносабатларида маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштиришни таъминловчи илғор ахборот-коммуникация технологияларини (блокчейн технологиялари, криптовалюталар, “ақлли шартнома”, электрон савдо муносабатлари) жорий қилиш;

- ташқи савдо шартномаларни тузиш, унинг мазмуни ва шартларига қўйилаётган талаблар бўйича халқаро андозалар ва миллий амалиётдан келиб чиққан ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ташқи савдо муносабатларининг объекти сифатида криптовалюта ва блокчейн технологияларнинг ҳуқуқий табиатини тадқиқ қилиш орқали улар иштирокидаги ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ташқи савдо шартномаларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашнинг халқаро хусусий-ҳуқуқий механизмлари ва халқаро электрон савдо муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини тадқиқ қилиш.

Ўзбекистонда ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича қуйидаги ҳулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчи, халқаро савдо муносабатларининг табиати халқаро-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, давлат-ҳуқуқий ва бошқа соҳаларнинг ўзаро бирлашувини намоён қилади.

Бошқача қилиб айтганда, халқаро савдо муносабатларини тартибга солиш учун ҳам миллий, ҳам халқаро, шу билан бирга, ҳар иккаласига ҳам кирмайдиган одат ҳуқуқи нормаларининг ўзаро комплексини бирга қўллагандагина самара берадиган ўзига хос тартибга солиш усулидир. Бу жараёнда халқаро ҳуқуқ нормалари деганда, оммавий ва хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар назарда тутилади.

Иккинчи, доктринал ва қонунчиликда берилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда **ташқи савдо муносабатлари деганда, товарлар, ишлар ва хизматлар, интеллектуал мулк объекти, криптовалюталар ҳамда ахбортга бўлган мутлақ ҳуқуқлар савдосида табиатан турлича бўлган субъектлар (давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар)нинг халқаро-ҳуқуқий, миллий-ҳуқуқий ва бошқа (мамлакатлар ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг иштирокисиз яратиладиган) нормалари асосида савдо муносабатларига кириши тушунилади,** деган таърифни илгари суриш мумкин.

Учинчи, ҳозирги глобаллашув шароитида халқаро савдо муносабатларини тартибга солувчи нормалар ва миллий қонунчилик ўртасида ўзаро интеграция жараёнлар кузатилмоқда. Бу жараён халқаро савдо ва миллий ҳуқуқ соҳасида савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг шакллари, усуллари ва тамойилларини мослаштириш, миллий қонунчиликни ривожлантириш бўйича биргаликда чора-тадбирлар белгилаш ҳамда умумий ҳуқуқий нуқтаи назарларнинг ишлаб чиқиши билан характерланади.

Бу мақсадга эришиш учун минтақавий ва универсал даражада давлатлар қонунчилигини байналмилаллаштириш, миллий нормалар билан параллел равишда ёки унинг ўрнини босадиган ягона ҳужжатлар ва нормаларни яратиш, яъни ҳуқуқий муносабатларнинг бир хил тартибга солинишини таъминлаш; қонунчиликни стандартлаштириш – иқтисодий-техник ва бошқа характердаги ҳаракатларни амалга оширишда қўллаш учун мажбурий бўлган юридик-техник нормаларни яратиш муҳимдир.

Тўртинчи, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдони тартибга солиш соҳасидаги қонунчилигини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши – халқаро савдонинг умуммажбурий принциплари ва қоидалари, биринчи навбатда, Бутунжаҳон савдо ташкилоти (бундан кейин – БСТ) нормалари асосида ташқи савдо сиёсатининг замонавий давлат-ҳуқуқий механизмини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан БСТ қоидалари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш асослари, мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий бирликларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунида акс эттириш лозим. Ўзбекистоннинг ташқи савдо фаолиятининг сўнгги йиллардаги ривожланиш йўлларига бағишланган хорижий тадқиқотларда [3] ҳам айнан халқаро стандартлар масалаларига алоҳида урғу берилганлигини кузатиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. https://www.wto.org/english/res_e/booksp_e/00_wtr19_e.pdf.
2. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/8314-o-zbekiston-respublikasining-tashqi-savdo-aylanmasi-5>.
3. Trushin, E., Uzbekistan: Foreign Economic Activity. In Central Asia: Challenges of Independence (pp. 208-233). Routledge. 2017.

РОМАН-ГЕРМАН ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ДАВЛАТЛАРИДА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ АМАЛИЁТИ

Абдуллаев Рустам Кахраманович,

Тошкент давлат юридик университети Криминалистика ва суд
экспертизаси кафедраси ўқитувчиси,
Эл. манзил: r.abdullayev@tsul.uz

Аннотация: Мазкур тезисда Роман-герман ҳуқуқ тизимида қирувчи Германия ҳамда Франция давлатларининг ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш амалиёти ўрганилган ва таҳлил қилинган. Ўрганишлар натижаларига асосланиб, бу давлатларда мавжуд илғор тажрибалар ёритилган ҳамда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида аниқланган объектларнинг исботлов аҳамиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалаларини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинган.

Калит сўзлар: Роман-герман ҳуқуқ тизими, Германия Жиноят-процессуал кодексининг қоидалари, судьянинг ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бўйича ваколати, Франция Жиноят-процессуал кодексининг қоидалари, суд полициячиси, тергов судьяси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида аниқланган объектларнинг исботлов аҳамиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш.